## «ШЕВРОЛЕ» - ҚАРШИ ЙЎЛЛАРИДА

**“Қашқадарёавтотеххизмат” очиқ акционерлик жамияти Асака автомобиль заводида ишлаб чиқарилган янги «Тасита», «Epica», «Captiva» машиналарини сотувга чиқарди. «Шевроле» русумидаги бу замонавий автомобиллар ўзбек автомобилсозларининг жаҳонга машҳур «General motors» корпорацияси билан ҳамкорлиги маҳсули ҳисобланади.**

**Қарши шаҳридаги ҳудудий автосалон раҳбари Ҳошим Турдиевнинг таъкидлашича, янги автомобилларга буюртма кўпаймоқда. Дастлабки савдода ўттизга яқин “Шевроле” русумидаги автомобиль учун олди-сотди шартномаси имзоланди. Автосалон Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.**

**(ЎзА)**

*Банк*

# ТАДБИРКОРГА МАДАД, МИЖОЗГА ИШОНЧ

*Фарғоналик тадбиркор Ферузахон Мамасодиқова истиқлол шарофати билан ишбилармонликка кенг йўл очилганини билиб шаҳар марказида “Арголид” хусусий фирмасини ташкил қилди. Бир неча нафар чевар хотин-қизларни ишга олди. Кечаю кундуз қилинган меҳнат ва изланишлар бесамар кетмади. Тез орада у раҳбарлик қилаётган тикувчилик фирмаси тилга тушди, мижозлар сони ортиб борди.*

Тадбиркор йилаб-йилаб фаолиятни янада ривожлантириш, иш ҳажмини кенгайтириш мақсадида “Микрокредитбанк” АТБнинг Фарғона вилоят филиалига 5 миллион сўм миқдорида кредит сўраб мурожаат қилди. Банк муассасаси кредит ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, тез орада сўралган сармояни ажратди. Бундан Ферузахон Мамасодиқова оқилона фойдаланди. Натижада иш кўлами кенгайиб, маҳсулотлар сифатлилиги ва харидоргирлиги билан ном қозонди. Муҳими, банк томонидан ажратилган кредит эвазига 10 та янги иш ўрни яратилди.

– Банк кўмагида ишни йўлга қўйиб, яхши даромад қилаётган, аҳоли бандлигига кўмаклашаётган Ферузахон опага ўхшаган тадбиркорлар сони кун сайин ортиб бораяпти, – дейди акциядорлик тижорат “Микрокредитбанк”нинг вилоят филиали бошлиғи вазифасини бажарувчи Мўйдинжон Матқаримов. – Мисол учун, Данғара туманидаги “Тасвир Плюс Сифат” МЧЖга алоқа ва телекоммуникация фаолиятини ривожлантириш, аҳолига реклама хизматларини кўрсатиш учун 21 миллион 600 минг сўм микролизинг ажратгандик. Ташкилот раҳбари Баҳодир Ҳошимовнинг ишбилармонлиги туфайли бугун аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилиб, 9 та янги иш ўрни барпо этилди.

Умуман, 2006 йил июль ойидан ҳозирги кунга қадар юридик шахс мақомига эга бўлган якка тартибдаги тадбиркорларга, микрофирма, деҳқон-фермер хўжаликларига ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 181542,0 минг сўм, маиший хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 240736,0 минг сўмлик микрокредитлар ажратилди. Шу билан бирга, чорвачиликни ривожлантириш учун 598470,0 минг сўм, қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олиш учун 158717,0 минг сўм миқдорида микрокредитлар берилди. Шу туфайли 1267 нафар киши иш билан таъминланди.

Банк филиали томонидан ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда мебель, ошхона жиҳозлари, уй-рўзғор буюмлари харид қилиш учун 418774,0 минг сўмлик микрокредитлар ажратилгани сўзимиз тасдиғидир. Бундан ташқари, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига 87600,0 минг сўм, коммунал ва маиший хизмат кўрсатувчи ташкилотларга 229331,0 минг сўм, пуллик хизмат кўрсатадиган спорт муассасаларига 24780,0 минг сўм миқдоридаги кредитлар берилди.

Банк филиали ташаббуси билан вилоятдаги касб-ҳунар коллежларида кредит олиш тартиби, ундан фойдаланиш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш масалаларига бағишланган турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бу эса, қўлида ҳунари, тадбиркорлик билан шуғулланишга қобилияти бор ёшларга имтиёзли шартлар асосида микрокредитлар берилишига замин яратмоқда. Масалан, жорий йилнинг иккинчи чорагида касб-ҳунар коллежларини битирган 27 нафар ёшларга 14340,0 минг сўм кредит маблағлари берилди.

– Банк ходимларининг бизнинг коллежга келиб учрашув ўтказгани туфайли бошланғич сармоямни шакллантириш учун 620 минг сўм кредит олгандим, – дейди Ёзёвон иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи битирувчиси, якка тартибдаги тадбиркор Беҳзод Холматов. – Очиғи, ишларим бу даражада тез юришиб кетади, деб ўйламагандим. Бугун тадбиркорлик орқасидан яхшигина даромад қилаяпман, олган кредит суммасини фоизлари билан ўз вақтида тўлаб бораяпман. Келгусида банк кўмагида тадбиркорлик фаолиятимни янада кенгайтириш ниятидаман.

Дарвоқе, банкнинг вилоят филиали яқинда яна бир хайрли ишга бош қўшди. Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва “Маҳалла” жамғармасининг вилоят бўлими билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун битим имзоланди. Бундан кўзланган асосий мақсад маҳаллаларда яшаётган билимли, тажрибали ва ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этишга қодир моҳир тадбиркорларни топиш ва улар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатишдан иборат.

**Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,**
**“Адолат” мухбири**



Бекобод туманидаги «Долварзин» пахта тозалаш корхонасида айни пайтда иш қизғин паллага кирган. Бу ерда туман пахтакорлари етиштирган 44 минг тоннадан зиёд пахта хомашёси қайта ишланмоқда. Бир кунда корхона ишчи-ходимлари ўртача 45-50 тонна хомашёни қайта ишлашга эришмоқдалар.

***Суратда: корхона фаолиятидан лавҳалар.***

**Ҳ.АВВАЛОВ**
**олган суратлар.**



*Ишлаб чиқариш*

## МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЪЗОЗ ТОПАДИ

*Олтин куз бошланиши билан бободеҳқоннинг ташвиши ўн чандон ошади. Етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан йиғиштириб олишга киришилади. Шунинг учун ҳам бу фасл пахтакорлардан, соҳа ходимларидан ўзига хос матонат, шижоат ва фидойиликни талаб этади.*

Бугун Каттақўрғон пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида бўлган киши бунга яна бир бор амин бўлади. Корхона ишчи-хизматчилари фермер хўжаликлари пахта майдонларида етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини пешма-пеш қабул қилиш ва қайта ишлаш учун зўр шижоат билан меҳнат қилишмоқда.

– Бу йил деҳқонларимизнинг елкасига офтоб тегадиган бўлди – дейди корхона раҳбари Назарбек Орзиев биз билан суҳбатда. Туманимиз вилоятда биринчилардан бўлиб давлатга пахта сотиш режасини уддалади. Жорий йилнинг бошидаёқ 682 та фермер хўжалиги билан шартнома туздик. Корхонамиз мутахассислари шартнома тузилган кундан бошлаб фермерлар далаларида бўлиб, ер текислаш, суғориш, ишларини агротехника талаблари асосида олиб боришда бободеҳқонга яқин кўмакдош бўлишди. Айниқса, вегетация пайтида ҳашоратларга қарши кураш бўйича корхона томонидан зарур чора-тадбирлар кўрилди. Тажрибали агрономлар ишга жалб қилиниб, корхонамиз ҳисобидан маош билан таъминланди.

Дарҳақиқат, бу чора-тадбирлар кутилганидан ҳам ортиқ самара берди. Корхонага туман пахтакорлари 29 минг 668 тонна сифатли хомашё топшириб, белгиланган режаларини ортиғи билан бажаришди. Шунингдек, нурободлик фермерлардан 991 тонна пахта қабул қилиб олинди. Далаларда ҳали ҳосил мўл. «Оқ олтин» юкланган пахта карвонлари корхона ва унинг қабул пунктларига келиб турибди. Иш омилкорона ташкил этилгани боис, пахтани қабул қилиш, қайта ишлаш маромида олиб борилаяпти. Бунда Султон Сафаров, Мансур Сувонов, Зоир Сапоқулов Шомурод Ашуров, Хамратош Бобоёрова, Мурот Ҳайдаров сингари корхона ишчи-ходимлари жонбозлик кўрсатишмоқда.

Ҳар қандай муваффақиятнинг омили меҳнат ва рағбатда. Пешона тери билан ҳалол меҳнат қилган киши ҳамиша эъзозда. Корхона раҳбарияти касаба уюшма бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда фидойилик кўрсатаётган ишчи-хизматчилар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқдаки, бу иш унумдорлигининг ошишига, маҳсулот сифатининг кун сайин яхшиланиб боришига ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

**Асқар ЖАЛИЛОВ,**
**“Адолат” мухбири**

# Хориж Хабарлари

## Ироқ: ИККИ ЎТ ОРАСИДА

***Икки қўшни мамлакат – Туркия ва Ироқ ўртасида юзага келган қалтис вазият дунё ҳамжамиятини хавотирлантириб турибди.***

Хабарларда мазкур давлатлар чегарасида Туркиянинг катта ҳарбий кучлари жойлашгани айтилмоқда. Айрим маълумотларда кўрсатилишича, чегара олдида ҳарбий тўқнашувлар ҳам юз бера бошлаган.




Туркия бош вазири Ражаб Тоййиб Эрдўған Ироқ ҳукуматига иккита шарт қўйди. Агар ана шу шартлар бажарилса, Ироққа уруш очиш хавфи олди олинади. Биринчиси, Шимолий Ироқдаги Курдистон ишчи партияси жангариларининг базалари йўқ қилиниши керак. Иккинчиси, жангариларининг раҳбарлари Туркияга топширилиши лозим.

Шартлар ижроси нечоғли оғир бўлмасин, Ироқ раҳбарияти расмий Анқара билан музокаралар олиб боришга мажбур бўлди. Таъбир жоиз бўлса, Ироқ икки ўт орасида қолди.

## Покистон: БЕНАЗИР БХУТТО МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗДИ

***Собиқ Бош вазир Беназир Бхуттонинг мамлакатга қайтиши унга қарши бўлган кучларнинг жазавали ҳаракатлари билан қарши олинди.***




Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга кўра, жангариларнинг ҳаракатлари Бхуттони жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Шу йўлда уюштирилган портлашлар кўплаб бегуноҳ одамларнинг ҳалок бўлишига сабаб бўлди.

Б.Бхутто мамлакатга қайтиши муносабати билан Карачида матбуот анжумани ўтказди. У журналистлар билан мулоқотда ўз халқига тинчлик ва хотиржамлик исташини айтди.

## Италия: СУД ЖАРАЁНИДА ОТИШМА

***Мамлакат шимолидаги Редже Эмилия шаҳрида бўлаётган суд жараёнида отишма юз берди.***

NEWS ахборот агентлиги тафсилотига кўра, судда эр-хотин ажралиши кўрилаётган эди. Судга ажралиш учун ариза берган эр хотини ва унинг қариндошларига қарата ўқ уза бошлаган. Натижада албан миллатига мансуб 40 ёшли бу эркак ўз хотини билан бирга унинг амакисини ҳам отиб ташлаган.



Суд залида рўй берган отишмада икки адвокат ва бир полиция ходими ҳам жароҳат олган.

## Франция: САРКОЗИНИНГ МАОШИ ҚАНЧА?

***Мамлакат президенти Николья Саркозининг маоши Европа Иттифоқи (ЕИ) раҳбарлариникига қараганда анча кам экан. Қизиғи, Саркозидан олдинги президент Жак Ширак ҳам шу даражадаги маош билан қаноатланиб келган.***

Саркозининг канцелярия хизмати бошлиғи Эммануэл Миньон яқинда президент маоши ҳақида парламентга мурожаат этиб, ҳаммани лол қолдирди.



ЕИ давлатлари раҳбарлари орасида энг кўп маошни Германия канцлери Ангела Меркел олар экан. Унинг ойлик маоши 21262 еврони ташкил этади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

*Жаҳон парламенти*

## МУҲИМ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА МАСЪУЛ

Финляндия – шимолий Европада жойлашган мамлакат. Айни пайтда мамлакат электроника ва радиоэлектроника маҳсулотлари ҳамда ёғочсозлик, целлюлоза-қоғоз саноатининг экспортдаги улуши юқорилиги билан дунё иқтисодиёти ривожига муносиб улуш қўшмоқда.

Финляндиянинг амалдаги конституцияси 2000 йилнинг 1 мартида кучга кирган. Лекин, табиийки, мамлакат қонун чиқарувчи ҳокимияти анча олдинроқ, аниқроғи, 1906 йили бир палатали парламент сифатида шакллантирилган. Шундан буён парламент ваколатларига турли хил ўзгартиришлар киритилган.

Финляндия парламенти бошқа давлатларникидан тубдан фарқ қилмайди. Ижро ҳокимиятини президент ва ҳукумат биргаликда амалга оширади. Давлат бошлиғи президент ҳисобланиб, у тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Мамлакатда президент ва парламент ўртасидаги муносабатлар қонунлар билан тартибга солинган ва иккала томонга ҳам етарлича ваколатлар берилган. Қонунга кўра, президент парламент сессиясини чақириши ва уни ёпиши мумкин. Сиёсий инқироз юз берганда, барқарор қонунчилик ўрнатилмаганда ва сиёсий партиялар ўртасида келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда президент парламентни тарқатиб юбориш ваколатига эга.

1919 йили қабул қилинган қонунларда парламент учун кўплаб ваколатлар белгиланган. Шунга кўра, парламент конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда, ўлка ҳаётига тегишли қонун-қоидалар қабул қилинаётганда асосий вазифани бажарган.

Ҳозирги вақтда Финляндия парламентининг айрим ўзига хос жиҳатлари кўзга ташланади. Масалан, парламент фаолиятини назорат қилиб бориш мақсадида 45 нафар депутатдан иборат Катта комиссия иш олиб боради. Одатда унинг таркибида сиёсий партиялар раҳбарлари ва уларнинг кўплаб аъзолари бўлади. Шунингдек, мамлакат парламентида иқтисодий масалалар, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, ижтимоий таъминот, транспорт, мудофаа ва бошқа масалалар бўйича комиссиялари ҳам мавжуд.

Яна бир эътиборли жиҳат: парламент раиси бошқарув бўйича муҳим ҳуқуқларга эга. У мажлисларда сўзга чиқувчиларни регламентга амал қилишини, интизомга қатъий риоя этилишини назорат қилиб боради. Агар депутат қоидаларга риоя этмаса ва этика меъёрларини бузса, раис унга огоҳлантириш бериши ҳамда кўпчиликнинг розилиги билан мажлисдан чиқариб юбориши мумкин. Мамлакатнинг қонунчилик фаолиятида Омбудсман ҳам муҳим рол ўйнайди. У ҳукуматнинг қонунчилик мажлислари учун текширувчи вазифасини бажаради.

**Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ,**
**“Адолат” мухбири**

*Фаолият*

## ЗАМОНАВИЙ СУҒУРТА БОЗОРИ

### фаровонликни таъминлайди

“Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзагросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компанияси Сирдарё вилоят дирекцияси Гулистон шаҳар бўлинмаси томонидан бирмунча ишлар амалга оширилмоқда.

Шаҳар суғурта бўлинмасида омилкорона иш юритилгани боис, жорий йилнинг 9 ойи давомида 102 миллион 137 минг сўм суғурта тушумлари йиғилишига эришилди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича 80 миллион 900 минг сўм туширилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 миллион 52 минг 900 сўмга кўп демакдир.

– Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, корхоналар ва қишлоқ жойларида яшовчи аҳоли мулкий манфаатларининг суғурта ҳимояси, товар ишлаб чиқарувчи қарз олувчиларнинг тўлашга қодирлигини ўрганиш ҳамда тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларни қоплашга суғурта кафолатларини тақдим этиш бизнинг асосий вазифамиз, – дейди шаҳар суғурта бўлинмаси бошқаруви менеджери Эркин Бўриев. – Олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларимиз натижасида бугун шаҳримизда суғурта бозори шаклланди. Бунда бўлинма ходимлари Абдулла Оқилов, Ислом Анорбоев, Кимё Ортиқбоевалар кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

Шаҳар суғурта бўлинмаси томонидан амалдаги йилнинг 9 ойи мобайнида 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 3906 та шартнома кўп тузилди. Шунга кўра, суғурта жавобагарлиги бўйича 5 миллиард 320 минг сўмликка яқин маблағ жавобгарлиги олинди. Олти ой давомида аҳолининг бахтсиз ҳодисалардан кўрган зарари учун эса 3 миллион 574 минг 500 сўм суғурта товонлари тўлаб берилди. Қишлоқ хўжалиги суғурта турига 18 миллион 924 минг 400 сўм суғурта товонлари тўланди.

Айни пайтда суғурта хизматини такомиллаштириш бўйича келгуси йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари олиб борилаётир.

**Эркин САИДОВ,**
**“Адолат” мухбири**

(t)


## “ЎЗАГРОСУҒУРТА” ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ДИРЕКЦИЯСИ ГУЛИСТОН ШАҲАР БЎЛИНМАСИ ҚУЙИДАГИ СУҒУРТА ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**1. Ҳосил суғуртаси** пахта, ғалла, сабзавот, полиз экинлари, боғ ва узумзорлар ҳосилининг табиий офатлар, зараркунандалар, касалликлар таъсири натижасида камайиши ёки зарарларини қоплаб беради.

Йиллик тариф ставкалари – 3-8 фоиз.

**2. Мол-мулк суғуртаси** юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкларини табиий офатлардан ҳамда бахтсиз ҳодисалардан шикастланиши, йўқотилиши натижасида кўриладиган моддий зарарни қоплаб беради.

Йиллик тариф ставкалари – 0,2-1 фоиз.

**3. Кўп йиллик дов-дарахтлар суғуртаси** фуқароларнинг томорқаларида ўстирилаётган мевали резавор экинлар ва кўп йиллик дарахтларнинг табиий офатлар ва учинчи шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида нобуд бўлишидан кўрилган зарарни қоплаб беради.

Йиллик тариф ставкалари – 3-8 фоиз.

**4. Гаровга қўйилаётган мол-мулк суғуртаси** гаровга қўйилаётган мол-мулкнинг табиий офатлар, турли бахтсиз ҳодисалардан ва учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари оқибатида нобуд бўлиши ёки зарарланишидан кўриладиган зарар қопланади.

Йиллик тариф ставкалари – 0,2-0,5 фоиз.

**5. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг суғуртаси** фермер хўжаликлари ва бошқа чорвачилик маҳсулоти етиштирувчи (юридик ва жисмоний) шахсларнинг қишлоқ хўжалик ҳайвонларини табиий офатлар, касалликлар ва бошқа ҳодисалар туфайли нобуд бўлиши ёки мажбурий сўйилиш натижасида кўриладиган зарарни қоплаб беради.

Йиллик тариф ставкалари – 4-10 фоиз.

**6. Лизинг суғуртаси** МТП, ММТП, фермер хўжаликлари ва бошқа (юридик ва жимоний) шахсларнинг лизингга олинган (олинаётган) мол-мулкининг бутун лизинг муддати даврида шикастланиши ёки йўқотилишидан кўриладиган моддий зарарни қоплаб беради.

Йиллик тариф ставкалари – 0,25-3 фоиз.


*Солиқ*

## СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТ

### сотилишига чек қўйилмоқда

***Сўнгги йилларда пойтахтимиз бозорларида хусусан, «Чорсу» бозорида тадбиркорлар ва харидорлар учун қулай шароитлар яратилди. Албатта, ноқонуний, сифатсиз маҳсулотларни бозор ҳудудига олиб киришнинг олдини олиш, тадбиркорлар фаолиятини назорат этиб бориш туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.***

Солиқ ходимлари томонидан бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш борасидаги ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўтказилган тадбирларда жами 365 ҳолатда қоидабузарлик ҳолатлари аниқланиб, 149023,8 минг сўмлик моддий бойлик далилий ашё сифатида олинди. Шундан 251 ҳолатда кийим-кечак маҳсулотлари, 53 ҳолатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, 10 ҳолатда эса турли миқдордаги ўсимлик ва тамаки маҳсулотлари олиб қўйилди. Бундан ташқари, ноқонуний тарзда сотилаётган 136 литр умумий қиймати 271,2 минг сўмлик ўсимлик ёғи иш қонуний ҳал бўлгунга қадар махсус дўконларга топширилди.

Бозор ҳудудида вилоятлардаги фермер хўжаликлари билан келишилган ҳолда тез-тез қишлоқ хўжалик ярмаркалари ташкил этилмоқда. Бу харидорларга қулайлик яратиши баробарида, маҳсулотларнинг сунъий равишда нархи ошиб кетишининг олдини олмоқда.

**Р.ШАЙХОВ,**
**Шайхонтоҳур туман ДСИ шўъба бошлиғи**

